PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI
ISSN: 3060-4923 Impact Factor –7,212

ҲИКОЯДА МИФ ВА БАДИИЙ ОБРАЗ

Махматқулова Зарина Нуруллаевна
Гулистон давлат университети
Мустақил тадқиқотчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23363332

Аннотация

Мазкур мақолада Франц Кафка ижодига тегишли ўзига хос ифода усулининг ўзбек адабиётидаги белигларига диққат қратилди. “туш” номли ҳикоясида ёзувчи қабристон образини тайин этаркан, мусаввир ва ўзининг ички оламини таснифлайди.

Калит сўз: миф, образ, эстетика, талқин, ёзувчи, идрок, пафос.

Мифология бадиий адабиётда универсал ҳодисадир. Унинг негизида антик даврлардан буён шаклланиб, сайқалланиб келаётган образлар, мезонлар аксланади. Шунингдек, ҳар қандай вазиятда одамни турли ракурсларда талқин этиш имкони пайдо бўлади. Маслан, Франц Кафка ижодига зимдан назар ташлаганимизда – миф бу инсон руҳиятининг ҳали забт этилмаган чўққиларини англаш босқичи эканлиги аёнлашади. Миф – адабиётнинг қон томирларидир. Янги замон мифологияси руҳият илми билан боғлиқ ҳолда кечаргкан, адиб ана шу мезонларни янада мукаммал тарзда акс этишига йўл очади. Мифсиз адабиёт бўлиши мумкин эмас! “Кафканинг “кичик проза” жанрида қалам тебратган мохир ўтмишдошлари ҳам бўлган. У бу адиблар ижоди билан яқиндан таниш бўлиб, асарларини ўқиган албатта. Улардан Прагада муқим яшаб ижод қилган немисзабон ёзувчи Густав Майринк (Gustav Meyrink, 1868-1932), австриялик ёзувчилар Карл Краус(Karl Kraus, 1874-1936) ва Питер Альтенберг (Peter Altenberg, 1859-1919), швейцариялик Роберт Вальзер (Robert Walser, 1878-1956) ва бошқаларни Кафка ўз устозлари деб билган. Бироқ устозлардан фарқли ўлароқ, адиб ўз ижодий изланишларида ўзга йўл танлади: ҳақиқатни бадийлаштириш йўлида астойдил ҳаракат қилди, ёлғизликда қатъиятли, субутли бўлишга интилди. Фақат унгагина хос бўлган реаллик ва ирреаллик, воқелик ва фантазияларнинг такрорланмас уйғунлиги, айниқса 1912 йилдан кейин яратилган асарлари, яъни “Жазолар” (Strafen, 1914) тўпламига кирган “Ҳукм” (Das Urteil, 1912), “Эврилиш” (Die Verwandlung, 1912), “Ахлоқни тузатиш колониясида” (In der Strafkolonie, 1914) номли новеллаларда, “Қишлоқ врачи” (Ein Landarzt, 1919) номли тўпламига кирган қатор асарларда ўз аксини топди. Уларнинг барчаси автобиографик характерга эга бўлиб, шахсий кечинмалар асосида қурилганлигига қарамасдан, бир вақтнинг ўзида инсон борлиғи парадигмасини теъран ифодалайди. Адибнинг фантазияси кундалик ҳаётдан узоқ, кўпинча даҳшатли тасаввур ва бадбуруш қиёфагача ўзгарган образларни туғдирарди”[1].

Мифологик усулда сўз айтиш санъати. Бадиият ниҳоятда қизиқарли соҳалардан биридир. Унинг негизида олам ва одам жумбоғи аксланади. XX аср бошларида жаҳон уруши рўй берди. Амалдорлар, бойлар Европани ташлаб, Америка ва бошқа ўлкаларга кета бошлади.

[1] https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/muhammadjon-xolbekov-xx-asr-modern-adabiyoti-manzaralari-07.html

Ана шу “суриш” эса ёзувчиларга ниҳоятда катта бир оғриққа, йўқотишга сабаб бўлди. Бу бизга қимматга тушди. Чунки собиқ иттифоқ даврида ёзувчилар хўрланди, отилди, сургун қилинди, йўқ қилинди. Ана шу хўрликлар А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, У.Носир ва кўплаб зиёлиларнинг умрига зомин бўлди. Дунёда ҳеч бир вақт ақл эгалари рўшнолик топганини кўрганмизи йўқ. Улар характерида, сийратида, суратида вақт билан ҳисоблашар, одамларнинг дарду ҳасратини қоғозга туширишга йўл топарди.

Мифологик усул ҳақида сўз кетганда, ижодий усулнинг ўзи нима деган саволга жавоб топиш муҳимдир. “Адабиётшунослик луғати”да шундай изоҳ берилади: “Ижод жараёнида услуб қатор муҳим вазифаларни бажаради. У санъаткорни воқеликни яхлит идрок қилиш, ҳаёт материалини (диспозиция) яхлит бадиий системага (композиция) айлантиришга йўналтиради. Адабий жараёнга нисбатан олинса, у бадииятнинг ривожланиш ўзанидаги ижодкорни адабий анъана билан боғлайди ва шу тариқа бир томондан, ўзида адабий-бадиий анъанани ташувчи, иккинчи томондан, уни янгиловчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, бадий асарнинг кейинги ҳаёти, ижтимоий мавжудлиги (онтологияси) ҳам у билан белгиланади”[2]. Бинобарин, ҳаётий материлни қайта ишлаш жараёнида ёзувчининг даврий муаммоларни ҳис қилиш малакасининг нечоғли тиниқлигини ҳам тақозо қилади. Бадиий-эстетик тафаккур тарзи бевосита ўша халқ руҳиятида кечаётган ижтимоий-психологик ўзгаришлар негизида ҳам услуб шаклланади. Буларнинг барчаси асардаги – инсон ва жамият мувозанатини жипслаштиришга қаратилган гуманистик ғояларни илгари суришга йўналтирилади. Айниқса, ўтган асрнинг 20-йилларида кузатилган адабий кайфият 90- йилларга ва ундан кеинги давр учун янгича адабий-эстетик идроклаш модификациясини пайдо бўлишига замин тайёрлади.

Франц Кафканинг “Туш” номли ҳикояси жуда ихчам бўлиши билан охират ва тириклик орасидаги масофани яқинлаштиради:

“Йозеф К. туш кўрди.

Ажойиб кун эди, у кўнглининг чигилини ёзиш мақсадида бироз сайр қилмоқчи бўлди. Аммо икки қадам ташлаши биланоқ, ўзини қабристонда кўрди. Атрофда сарғайган ўт-ўланлар босган, нотабиий сўқмоқлар. Йозеф улардан бирига қадам қўйди ва ўзини худди кучли оқимга тушгандай ҳис қилди. Бироз узоқроқдан ҳали тупроғи қуриб улгурмаган, янги, дўппайиб турган қабр унинг эътиборини тортди ва Йозеф ўша тарафга боришга қарор қилди. Дўмпайган тупроқ уюми уни ўзига оҳанрабодай тортарди. Гоҳида қабр кўздан йўқолар, шамолда ҳилпираётган қандайдир ҳарир мато гоҳ самога кўтарилиб, яна сурон солиб заминга урилиб, уни бекитарди. Матони тутиб турган кўринмас, бироқ ўша томондан қувноқ товуш баралла эшитилиб турибди.

Йозеф олис-олисларга назар солди. Не кўз билан кўрсинки, ортида, йўли устида, ёнида ўралар пайдо бўлибди. У шошиб ўзини четга, майсалар устига отмоқчи бўлди, оёқлари остидаги ер чайқалиб кетди ва у бир дўмпайган қабр пойига тиззалаб йиқилди. Қабр ортида икки киши каттакон силлиқ тарашланган қабртошни даст кўтариб туришарди. К.ни кўришлари биланоқ, улар тошни ерга санчишди. Йозеф жойида қотди. Жимликни бузиб, кўп ўтмай

[2] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т., Akademnashr. 20123. –Б.341-342.

буталар орасидан учинчи киши ҳам чиқиб келди. К. бу кимсани мусаввир сифатида яхши танирди”[3].

Қабристондаги ҳолатни тасвирлар экан, ҳаётнинг чигал сўқмоқларида ўз руҳиятини синовдан ўтказади. Айни дамда ёзувчи иккиланишлар орасида қолади. Қабристондаги тошни олиб, унга зиён-заҳмат етказаётган муҳтожликмиди? У нега бу тун ва туш оралиғида ўз кечмишларини мифга йўналтирмоқда? Саволлар жуда кўп. Жавоб шундаки, Кафка одамларнинг нафси, иймони ва эътиқоди шу қадар сусайиб кетганлиги боис реал манзарани туш ичига яширмоқчи бўлади. “Воқеликни эстетик категория сифатида идрок этиш ҳамда бадиий сўз воситасида талқин қилиш анъанаси келиб чиққач, қадимги мифларнинг асосий қисми сўз санъатининг турли жанрларига, жумладан, тарихий асарлар сюжетига сингиб кетган”[4]. Дарҳақиқат, ҳаётнинг жуда кўп қирралари миф ва ҳикоя негизида очиб берилар экан, ундаги матонат, муҳорабат ва сермазмунлик реал ҳаёт билан уйғунлаша олсагина ўз аксини кўрсата олади.

Бу ҳақда проф. Ҳ.Умуров шундай ёзади: “Асар шаклланиши жараёнида ёзувчи илҳом билан меҳнат қилади. Дастлабки кўтаринки ҳолат кейинроқ тартибга тушади, ижодий хаёлларнинг парвози аста-секин тиниқлашади. Ёзувчининг талант кучи, диққати, бутун борлиғи бир марказга тўпланади: бўлажак қаҳрамонлар аниқланади. Асарнинг асосий поэтик ғояси, унинг образли ифодаланиши кўзга ташланади ва шу доира атрофида образлар ҳаракат қила бошлайдилар. Характерлар тасвири, улар хатти-ҳаракатлари ва психологияларини асослашнинг йўллари, фабула ривожининг жуда кўп вариантларидан (Толстой айтганидек, миллиондан бири) энг маъқули танланади. Қисқаси, санъаткор онгида яхлит яратмоқчи бўлган асарнинг нусхаси, бадиий модели яратилади. Эндиги гап яратилажак, туғилажак асарнинг ҳаётийлигини, жонлилигини таъминловчи ёзувчи қалбининг қон томирига, санъаткорнинг сўз сеҳрига, ўткир фаҳмига, ажойиб илҳомига... ва яна ва яна жуда кўп психик жараёнларга боғлиқдир”[5]. Дарҳақиқат, мана шу ижодий ва кучли руҳий жараённинг барчаси ёзувчининг. Ижодкорнинг яккаю-ягона – услубий изланишларида дунё юзини кўради. Демак, услубнинг даражалари, шаклланиш босқичлари, юзага чиқарувчи омиллари бўладики, бусиз асарнинг ҳеч бир ҳужайраси мукаммаллик касб этолмайди. Қайси давр, қайси замон ёзувчиси у мумтоз ёки замонавий носир бўлсин, услубий ўзига хос бир йўлни топа олмаса, ёзганлари асарлар оша яшай олмайди:

“Мусаввирнинг эгнида униққан шим, оҳори тўкилган, тугмалари яхши қадалмаган кўйлак, бошида баркут қалпоқ, қўлида оддий қалам ушлаб олган ва у юриб келаётиб ҳавода қандайдир тушунарсиз шакллар чизарди. Мусаввир шу қалами билан қабр тепасидаги текис мармарга ёзмоқчи бўлди, лекин бунинг уддасидан чиқа олмади. Тош жуда баландда эди, ўзига тортиб, пастлатмоқчи бўлди, аммо ҳаракатлари бесамар кетди. Тошнинг устига чиқишни эп кўрмади шекилли, бироз юқорига чўзилди, оёқ учида туриб, чап қўли билан тошга суянди. У шундай деб ёзди: “Бунда ором олаётир…”. Ҳар бир ҳарф аниқ-тиниқ кўриниб турар, олтиндай

[3] Франц Кафка. Туш. www.ziyouz.com
[4]Ўраева Д., Тўраева Б. Тарихий роман сюжетида вақт тушунчасининг коинот ва табиатга оид билимлар орқали ифодаланиши // Ўзбекистондан хорижий тиллар. www.journal.fledu.uz. – Б. 194.
[5] Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. –Т., “Ўзбекистон”. 2001. –Б.58.

товланар эди. Дастлабки уч сўзни ёзиб, у К.га қараб қўйди, бироқ К. ёзилаётган сўзларга ютоқиб тикилиб турарди; у мусаввирни буткул унутган, кўзини мармардан узмасди”[6].

Тушида ўлим билан ҳам, қзрқув билан ҳам олишишга ўрганган Кафка қаҳрамонлари охиратни жуда кўп ўйлаган иймонли одамлардир. У ўз қалбининг бир томонини таҳлил қиларкан, адиб ҳар доим ўзлигини ёзган асарларидан қидиради. Қаҳрамонлари эса ҳамма вақт асабий, ва сокин ҳолатда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Франц Кафкадан фарқли ўлароқ, Шодиқул Ҳамро яратган мифларга қараганда мураккаб фрагментларни пайдо қилади. Демак, Кафкани тушуниш вақт билан боғлиқ жараён эканлиги аёнлашади.

“Ҳикоянинг асосий хусусиятларидан бири бой ва ранг-баранг воқеалар оқимидан энг асосий моментларнинг танлаб олинишидир. Лекин у умумий оқимдан юлиб олинган эпизод эмас. Ҳикоя бошлангунча ва у тугагандан сўнгги қаҳрамон характери китобхонга қоронғи бўлиб қолади, дегувчи айрим танқидчилар фикрида жон бўлса-да, бу фикр жанр хусусиятларидан бирини маълум даражада тўғри ифодаласа-да, уни мутлақ тўғри деб қабул қилишга асос бўлолмайди. Чунки ҳикоя шундай жанрки, унинг айрим нурдай тиниқ ва ўткир штрих, деталлардан қаҳрамоннинг ҳикоя бошлангунча ва ундан сўнгги характери ва тақдири китобхоннинг ўзини ҳам қаҳрамонлардан бирига айлантирадиган, ундан мушоҳадакорликни талаб қиладиган, ўз фантазияси билан керак ўринларни тўлдиришни тақозо қиладиган жанрлардан биридр, дейиш мумкин”[7]. Аёнки, XX аср 90-йилларида реалистик проза билан модернистик оқим маҳсуллари адабиётимизда ўзаро аралаш ва алоҳида бир шакл сифатида кўрина бошлади. Ҳар қандай рамзий талқин негизида реаллик ётади. Инсоннинг дарду ташвишлари, қувончу қайғулари, яшаш аъмоли насрий асарларда “ўтиш даври” деган катта бир синовда жилвалнади. Мана шу икки ҳикоя собиқ иттифоқда сохта ғоя асосида катта бўлган образлардир. Уларни ҳаёт янги дунёда чирпирак қилиб учиради. Замонавий ўзбек насрида адабий-бадиий тафаккуридаги “чақмоқ”дек кириб келаётган адиблар умри давомида бошқача ёзиб кўриш лозимлигини пайқаб етди. Эндиликда ишчилар, меҳнаткашлар эмас, том маънодаги – инсон ҳақида, унинг ботинидаги эҳтиёжлари ва жамиятдаги хатти-ҳаракатлари-ю, яшаш тарзини талқин қилишга эътиборни кучайтирди:

“Кутилганидай мусаввир тағин ёзишга киришди, бироқ қанча уринмасин ёза олмас, унга нимадир халал берарди; қандайдир бош адоғи йўқ сўқмоқ пайдо бўлди. Мусаввир қаламини сермади ва яна қайрилиб Йозефга қаради. Улар бир-бирларига тикилиб қолишди, мусаввир аллақандай сабаби ноаён саросималик билан жавдираб боқарди. К.дан бошқалар буни пайқашгани йўқ, ёлғиз угина безовталанди, атрофга нажотсиз аланглади. Қайсидир бахтиқарога қазилган қабр бошида марҳумни ёдга олиб, уч дақиқали сукутга ўхшаш жимлик ҳукм сурди. Сукутни бузишга бирор-бир жонзот журъат қила олмасди. Шу пайт қабристон бутхонасининг мўъжаз қўнғироғи бемаврид нола қила бошлайди; мусаввир қўлини силкитди ва қўнғироқнинг уни ўчди. Бироқ бироз жимликдан сўнг яна чала бошлади, энди секинроқ, гўё товушини созлаб олмоқчидек тўхтаб-тўхтаб жаранглади. Мусаввирнинг юзлари даҳшатдан кўкариб кетди. Унинг тушуниксиз ҳолатидан К.нинг ҳислари жунбушга келиб, йиғлай бошлади, қўллари асабий титради. Мусаввир К.нинг ўзига келишини сабр билан кутди ва

[6] https://ziyouz.uz/jahon-nasri/frans-kafka/frants-kafka-tush-ikoya/
[7] Адабий тур ва жанрлар. 1-жилд. Т., Фан. 1991. –Б.67.

бошқа имкон йўқлиги боис яна ёзишга киришди. Мармарга чизиқ тортди, хунук, беўхшов ҳарф ёзилди. Тошда битта «Й» ҳарфи турарди. Мусаввир жазавага тушиб, оёғи билан гўрнинг ичига кириб кетди. Атрофга тупроқ тўзғиди. Ниҳоят, К. ҳаммасини англаб етди. Уни ортига қайтаришга, бу хомсут эмган бандани афв этишини сўраб тавалло қилишга вақт йўқ! Қабр яна мато билан қопланди. Йозеф бармоқлари билан дўмпайган қабрни кавлади, аммо бу ишидан бирон натижа чиқмади. Бирдан заминдан ҳарир, булутдай мато кўтарилди. Девор қулаб, туйнук пайдо бўлди. У майин нур оқимига чўмди. Бошини пастга эгиб, ер қаърига парвоз қилди. Юқорида, қабртошда унинг зарҳал ҳарфлар билан моҳирона битилган исми турарди.

Бу манзарадан ҳаяжони ортган Йозеф К. уйғониб кетди”[8].

Ҳикояда туш вотиви инсон қилмишларининг ўзгинаси эди. Мусаввир ким? Демак, ёзувчи жамиятдаги узил-кесил ўзгаришалрни, ўзидан ҳеч нарса қолмаса ҳам, биргина ҳарф исмнинг қолиши тирикликнинг давом этишига туртки берижагини кафолатлайди. Адиб Европа бўйлаб сайр қиларкан, туш ва ўнг аро кечаётган умрининг ниҳоятда долғали бўлганини таъкидлайди. Ана шу моддият, маънавият ҳамда руҳият бирлиги Кафкани борлиғини жиддий синовдан ўтказишда давом этади. Жумладан, адиб Прага ёки Олмон муҳитини англай олмаганида яҳудий бўлишига қарамай ота зулмидан азият чекмаганида бундай умрбоқий асарлар ёзиб қолдирмаган бўларди. Сабаби, Кафка авлоднинг ютуғи маърифатни ҳам, маънавиятни ҳам, руҳиятни ҳам чексиз-чегарасиз ёзиш муҳимлиги таъкидланади. Поэтик талқин яхлитлигини таъминловчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, унинг шаклланиш босқичларини шу даврда собиқ иттифоқ якка ҳокимлиги бадиий наср такомлида ўзига хос ўрин эгаллади. Адиблар жамият ҳаётидаги ижтимоий-маданий турмуш тарзини бадиийлаштиришда фақат бир ёқлама ёритишга кўпроқ эътибор қаратишди. 80- йиллардан кейинги ижодий концепция адабиётда янгиланиш ва шаклий-услубий ўзига хосликка кенг йўл очиди. Булар модерн ва янги реализм йўналишларида битилган асарларда янада тиниқлашди. Айни шу жиҳатлар туш ва миф бирлигининг муҳим омили эканлигига сабаб бўлди.

Бадиийлик модусини таъминлашда асар компонентларининг ўзининг ўрни борлиги барчага аёндир. Негаки, бадиийликни таъминловчи учта хусусият композицияда маромига етади. Поэтик мантиқий боғлами макон ва замонда ўз ифодасини топади. Ижодкор концепцияси жаҳон ва бошқа халқлар адабиётидан озиқланишини инобатга олсак масала моҳияти янада равшанлашади. Бадиий асарнинг умумий мазмуни ўша давр манзарасини жамият ва инсон идеалларининг уйғунлигини тақозлайди. Улкан ғоя ёзувчининг орзуси, изтироблари, шодликлари, қайғуси, армонлари, кўрган-кечирганлари, диёнат, вафо ва садоқат тушунчаларининг бағрида етилади. Ҳар бир инсон идеалга талпинади. У қайси миллат ва динга, қавмга мансублигидан қатъий назар ўзи яшаб турган заминнинг оғриқларини ич-ичидан ҳис қилади. Ана шу таомил бадиий асарнинг барча ҳужайраларида ёзувчи ниятини бирлаштиришига хизмат қилади. Ёзувчи ҳам даврнинг фарзанди. У ўзи мансуб жамиятнинг фаол аъзоси. Ана шу мансубликнинг ўз маромида юзага чиқишида идеалнинг ўлчови бениҳоя каттадир.

XX аср собиқ иттифоқ даврида одамзодни сохта тузум билан катта марраларга етказиш, уларни бахтли-саодатли қилиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун катта планда ишлар

[8] Ўша ҳикоя. https://ziyouz.uz/jahon-nasri/frans-kafka/frants-kafka-tush-ikoya/

олиб борилди. Бу жараёнда сўз санъати – бадиий адабиёт жуда катта ишларни ўз зиммасида олиб яшади, баҳоли қудрат бажаришнинг уддасидин чиқишди. Юзлаб, минглаб асарлар яратилдики, ишчилар синфага ҳам, оддий деҳқонлар учун ҳам орзусининг ушалганини тасдиқловчи асарлар тақдим қилинди. Ана шу жараённинг икки хусусияти бадиий асарни баҳолашда бугун сув ва ҳаводек зарурдир. Биринчи хусусият, мадҳиябозлик ва шиорбозлик учун хизмат қиладиган асарлар (совети кишиси образи), иккинчиси эса чинакам миллий онг ва туйғуда рўй берган, миллатнинг ўз қаддини тутиб туришга қаратилган асарларнинг яратилганлигида қабариб кўринади. Бундай дейишимизга сабаб шуки, миллий ўзликни англаш ва унинг тарихий илдизларини тушуниб етиш ҳамма санъаткорга насиб қилаверадиган ёрлиқ эмас. Шу боисдан, XX аср ўзбек бадиий тафаккурида шу икки давр ва икки ёндашув чинакам асарнинг яшовчанлигини, унинг нурли келажагини, тақдирини, тарихини, ўзлигини англашга катта шароит ҳозирлайди.